Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 89 (5080).
20 АПРЕЛЬ 1983 Й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

△ КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов 19 апрелда «Шпигель» журнали ноширни Р. Аугштайнни қабул қилди ва у билан суҳбатлашди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитети халқаро ахборот бўлимининг мудири Л. М. Замятин ҳозир бўлдилар.

△ Ўзбекистонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 500 йиллигига бағишланган тантаналар давом этмоқда.

Бобур тўғрисидаги китоб муаллифи, таниқли совет шарқшуноси, Москвадан келган профессор И. В. Стеблева, Қирғизистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директори, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Содиқов, юбилей тантаналарининг бошқа қатнашчилари шоир меросига катта баҳо бердилар.

△ 19 апрель куни Тошкентда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар олий ва ўрта махсус таълим министрлари ўринбосарларининг кенгаши бошланди. Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева очди.

Кенгаш иштирокчилари олий ва ўрта махсус таълимни ташкил этиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Агросаноат комплекси ходимлари! Мамлакатнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминланишига эришингиз!

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш—умумхалқ иши!

(КПСС Марказий Комитети 1 Май Чақириқларидан).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

1983 йил 18 апрель куни КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари биринчи секретарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришнинг баъзи амалий масалалари кўриб чиқилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Муҳокамада КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари И. А. Бондаренко, КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари М. З. Шакиров, Украина Компартияси Черкасси область комитетининг биринчи секретари И. К. Лутак, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари Н. Ф. Аксенов, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари В. И. Воротников, Қозоғистон Компартияси Кустанай область комитетининг биринчи секретари В. П. Демиденко, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Гроссу, КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Г. И. Усмонов, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Г. Вайно, КПСС Томск область комитетининг биринчи секретари Е. К. Лигачев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Набиев, Белоруссия Компартияси Брест область комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. Моргун, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. И. Конотоп қатнашдилар.

Докладда ва нутқларда шу нарса уқтириб ўтилдики, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларига, партия билан ҳукуматнинг шундан кейинги қарорларига мувофиқ КПСС XXVI съезди, мамлакатнинг Озиқ-овқат программаси ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш учун қишлоқларда янги, қулай иқтисодий шарт-шароитлар вужудга келтирилган. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг коллективларида ишлаб чиқариш ва технология интизоми оширилмоқда, қишлоқ хўжалиги билан агросаноат комплексининг бошқа тармоқлари алоқалари мустаҳкамланмоқда ва ўзаро баҳамжиҳат бўлиб ишлаши яхшиланмоқда. Экономика шу соҳасининг меҳнаткашлари ўз куч-ғайратларини озиқ-овқат ресурсларини янада муттасил кўпайтиришни таъминлашга, ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида юксак пировард натижаларга эришишга сарфламоқдалар.

Шу билан бирга бир қанча республика, ўлка ва областларда қишлоқда вужудга келтирилган ишлаб чиқариш имкониятларидан, ердан, меҳнат ресурсларидан фойдаланишда жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигини якунларнинг анализи кўрсатиб турибди. Кўпгина хўжаликлар дон, қанд лавлаги, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш суръатлари жиҳатидан беш йиллик топшириқларидан орқада қолишга йўл қўйиб, давлатдан қарздор бўлиб қолдилар. Қишлоқларни социал-маиший жиҳатдан қайта қуриш проблемалари ҳамон сусткашлик билан ҳал этилмоқда.

Кенгашда шу йилнинг вазифаларига, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ўстиришга, белгиланган план топшириқларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир конкрет тадбирларга катта эътибор берилди. Кўкламги экишни ўз вақтида ва сифатли ўтказишнинг, дон, ем-хашак, деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотлари ҳосилдорлигини ўстириш ва ялпи ҳосилини кўпайтиришга оид ташкилий ва агротехника тадбирларининг бутун комплексини амалга оширишнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Чорвачиликдаги асосий куч-ғайратлар тармоқни янада интенсивлашга, чорва ва парранда маҳсулдорлигини ҳар томонлама оширишга, гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтиришга сарфланиши лозим.

Қишлоқдаги бутун иқтисодий ишни қатъиян яхшилаш, хўжалик ҳисобини, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор формаларини жорий этиш зарурлиги уқтириб ўтилди. Қишлоқ партия ташкилотларининг иш услуби ва методларини янада яхшилаш муҳимлиги таъкидланди.

Кенгаш якунида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов катта нутқ сўзлади.

Ўртоқ Ю. В. Андропов шуни уқтириб ўтдики, КПСС Марказий Комитети партиянинг хўжалик ва маданий қурилиш ҳамма участкаларидаги ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятини кучайтириш юзасидан, ташқи сиёсатга раҳбарлик қилиш юзасидан изчиллик билан иш олиб бормоқда.

Марказий Комитетнинг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар Сиёсий бюро билан секретариатнинг диққат марказида турибди. Иш услубини такомиллаштиришга, қабул этилган қарорларнинг ижроси устидан контролликни кучайтиришга, партия, давлат ва меҳнат интизомини оширишга асосий эътибор берилди. Бу йўлни коммунистлар, барча меҳнаткашлар маъқуллаб кутиб олдилар, бу йўл ишлаб чиқаришдаги аҳволга ижобий таъсир қилди. Саноат маҳсулот реализация қилиш биринчи квартал планини 102 процент бажарди. Ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан саноат ишлаб чиқариши ҳажми 4,7 процент кўпайди. 1982 йилда бу кўрсаткич 2,1 процентни ташкил қилган эди. Ўтган йилнинг биринчи кварталида меҳнат унумдорлиги 1,5 процент ўсган бўлса, бу йилнинг биринчи кварталида 3,9 процент ўсди.

Асосий иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш соҳасида бошланган мана шу тенденцияни доимий тус олдириш муҳимдир. Планлаштиришни яхшилаш, хўжалик механизмини такомиллаштириш юзасидан, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини оширишдан меҳнат коллективларининг манфаатдорлигини кучайтирувчи иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтириш юзасидан қабул қилинган ва ишлаб чиқилаётган тадбирлар шу мақсадни кўзлайди.

Сиёсий бюро бунинг учун халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида бундан буён ҳам актив ҳаракат қилиш, ўртага қўйилган мақсадларга сабот билан эриша бориш лозим, деб ҳисоблайди.

Қишлоқ хўжалиги партия ишининг муҳим соҳаларидан биридир. Бу соҳани янада ривожлантириш йўллари партия XXVI съездида белгилаб берилган. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида СССРнинг Озиқ-овқат программаси тасдиқланди. Катта, муҳим қарорлар қабул қилинди. Аммо бу қарорлар ўз-ўзича «ишлай» бермайди. Юксак уюшқоқлик керак, меҳнаткашлар шу қарорларни бажаришга сафарбар этилиши даркор.

Қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи ҳозирча мураккаб бўлиб турибди. Кейинги йилларда сурункасига об-ҳавонинг ноқулай келаётганлиги ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда, албатта. Аммо мана шундай шароитда баъзи ходимлар қийинчиликларни бартараф этиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш йўлларини қидириб топмоқдалар, баъзи бировлар эса ўз ишидаги жиддий нуқсонларни мана шундай шарт-шароитларни рўкач қилиб оқлашга уринмоқдалар. КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш ва озиқ-овқат проблемасини ҳал этиш мақсадида қийинчиликларни бартараф қилиш соҳасида актив ишлаш лозим, деб ҳисоблайди.

Кенгашдаги докладда ва нутқларда кўпгина масалалар хусусида гап бўлди. Гарчи бу масалалар қишлоқ хўжалигидаги барча мавжуд проблемаларни қамраб олмаса ҳам, ҳар ҳолда уларни муҳокама қилиш муҳимдир, чунки бу муҳокама ҳозирги пайтдаги бош вазифани ажратиб олишга, ишни яхшироқ ташкил этишга ёрдам беради.

Ўртоқ Ю. В. Андропов сўнгра шу кунги ва келажакка оид баъзи масалаларга тўхталди.

Биринчи галда деҳқончиликнинг барқарорлигини таъминлаш, унинг маҳсулдорлигини анча кўтариш керак. Ҳар бир республиканинг, ҳар бир областнинг ўз хусусиятлари бор, ишда мана шу хусусиятларни эътиборга олиш лозим. Мўл ҳосил олиш учун деҳқончиликнинг зона системасига ўтиш зарурлигини фан ва практика исботлаган. Бу системалар деярли ҳамма жойда ишлаб чиқилган бўлса ҳам, аммо секинлик билан жорий этилмоқда, олимлар ва мутахассисларнинг бу масаладаги тавсиялари кўп жойларда йиллар бўйи жорий этилмай ётибди, деҳқончилик эса эскичасига юритилмоқда. Деҳқончиликнинг илмий асосланган системаларини жорий қилишни жадаллаштириш керак. Бу эса яқин бир-икки йилда алмашлаб экишни тўла-тўкис ўзлаштириш, ҳар гектар ердан имкони борича кўпроқ маҳсулот ундириб олишни таъминлайдиган экинзорлар структурасига ўтиш, экинларни етиштиришнинг индустриал технологияларини ва тупроқни ишлашнинг самарали усулларини кенг жорий этиш демакдир. Бу тадбирлар мелиорация тадбирлари билан бирга қўшилиб, дон, ем-хашак ва бошқа экинлардан муттасил мўл ҳосил олинишини таъминлаши мумкин. Ерларни мелиорациялаш миқёслари эса бундан буён ҳам ҳар томонлама кенгайтирилаверади.

Қишлоқ хўжалиги фан-техника тараққиёти билан баб-баравар одим ташлаши лозим. Колхоз ва совхозлар илмий муассасалардан кўпроқ янгилик кутмоқдалар. Аммо бошқа бир гапни ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Бизда бирталай қимматли илмий-техникавий ечимлар бор. Энг яхши хўжаликлар, ишлаб чиқариш илғорлари дуруст тажриба орттирганлар. Аммо бу ечим ва тажрибалар етарли равишда жорий қилинмаяпти, баъзан айрим қишлоқ хўжалик корхоналаридагина жорий этилаяпти. Жамики янги илғор усуллар ва тажрибалардан дадилроқ, активроқ, кенг миқёсда фойдаланиш лозим.

Қишлоқда вужудга келтирилган моддий-техника базадан фойдаланишни қатъиян яхшилаш зарур. Баъзан тракторлар, комбайнлар ва бошқа машиналар етишмаётгани ҳақида гапирадилар. Албатта, колхоз ва совхозларга зарур нарсаларнинг ҳаммаси ҳам ҳозирча етказиб берилган эмас. Бироқ, қилинган ишни камайтириб кўрсатиш ҳам ярамайди. КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин қишлоқ хўжалигидаги асосий фондлар 4 баравар, меҳнатнинг машина-механизмлар билан таъминланиши ва минерал ўғит етказиб берилиши 3 баравардан зиёд, мелиорация қилинган ерлар майдони 1,7 баравар кўпайди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган қарорида колхоз ва совхозларни янги, серунум техника билан янада яхшироқ таъминлашнинг катта программаси белгиланди.

Аммо мавжуд моддий-техника базаси қишлоқ хўжалигида ҳозиргидан кўра анча яхшироқ натижаларга эришиш имконини беради. Бироқ, бу имкониятлардан ҳамиша ҳам самарали фойдаланилаётгани йўқ. Кўпгина колхоз ва совхозларда механизатор кадрлар билан таъминлаш вазифаси ҳал этилмаган. Машина-механизмларнинг бир қисмини, шу жумладан, қимматбаҳо ғоят қудратли тракторларни ишлатадиган одам йўқ. Техникани ремонт қиладиган ва сақлайдиган базани барпо этишда сусткашлик қилинмоқда, машиналарнинг кўп қисми бевақт ҳисобдан чиқариб ташланмоқда.

Қишлоқ хўжалик машиналарининг сифатини ошириш керак, албатта, аммо уларни ишлатишни анча яхшироқ йўлга қўйиш биринчи галдаги вазифадир. Машина-механизмларни сақлаш, ремонт қилиш ва техникавий хизмат базасини ривожлантириш масалалари юзасидан қабул қилинган қарорлар ҳозирча қониқарсиз бажарилмоқда. Бу камчиликни имкони борича тезроқ тузатиб олиш лозим.

Ердан, қишлоқдаги ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш вазифаларини тезроқ ҳал қилиш учун колхоз ва совхозларни доимий кадрлар билан биринчи галда таъминлаш зарур. Бу — осон вазифалардан эмас. Уй-жой бинолари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва бошқа маданий-маиший объектларни анча кўпроқ қуриш лозим. Бу мақсад учун катта капитал маблағ ажратилган, қишлоқдаги қурилишга шаҳар қурилиш ташкилотларининг қувватларини жалб этиш ҳуқуқи берилган. Ҳамма иш маҳаллий органларнинг ташаббусига, уларнинг амалий ишни ташкил этиш маҳоратига боғлиқ. Кўпгина область партия комитетлари шу вазифани ҳал этишга актив киришдилар. Кенгашдаги нутқларда ҳам шу ҳақда гапирилди. Сиёсий бюро бу муҳим ишга мана шундай ёндашишни маъқуллайди.

Ўртоқ Ю. В. Андропов қишлоқда агросаноат бирлашмалари ишлаб турган ҳозирги пайтда ва хўжалик масалаларини ҳал этиш шу бирлашмаларнинг зиммасига юкланган пайтда партия комитетлари қишлоқ меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва сиёсий иш савиясини анча оширишлари керак, деб таъкидлади. Бутун халқ хўжалигида бўлгани каби бу соҳада ҳам интизомни мустаҳкамлаш учун янада қатъият билан курашиш керак. Қишлоқ ходимларининг ерга омилкорлик билан қараш туйғусини ошириш лозим. Шу мақсадда социалистик мусобақани янада таъсирчан тус олдириш, одамлар билан ишлашнинг, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнатни рағбатлантиришнинг кейинги йиллар тажрибасида синовдан ўтган самарали иш формаларидан кенгроқ фойдаланиш, хўжалик ҳисобини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш керак.

Ҳозирги шароитда колхоз ва совхозларнинг раҳбар кадрлари билан ишлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қишлоқ хўжалиги олдида турган мураккаб вазифалар, фан ва техника ютуқларидан тобора унумли фойдаланилаётганлиги, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор формаларига ўтилаётганлиги раҳбар кадрларга нисбатан юксак ва кўп жиҳатдан янги талаблар қўймоқда. Бу кадрлар ўзларининг билим доираларини ва махсус билимларини доимо кенгайтиришлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг мавжуд системаси ҳозирги вазифаларга нақадар мувофиқлигини синчиклаб ва ҳеч кечиктирмай кўздан кечириб чиқиш ва бу системани такомиллаштириш чораларини кўриш лозим.

Кўпгина областларда кадрларнинг тез-тез алмаштирилишига йўл қўйилмоқда, бу нарса уларни танлаш ва тарбиялашдаги камчиликлар билан изоҳланади. Кўпинча кадрлар билан саботли иш олиб бориш, уларга ёрдам ва мадад бериш ўрнига маъмуриятчилик билан шуғулланилмоқда, бу эса ишга ёрдам бермайди.

КПСС Марказий Комитети билан ҳукумат қишлоқдаги раҳбар кадрларнинг роли ва масъулиятини ошириш тўғрисида махсус қарор қабул қилганликлари маълум. Бу қарорнинг бажарилиши доимий контроллик остида бўлиши лозим. Кадрлар билан ишлашни партиявий қўлларда маҳкам ушлаш керак.

Май Пленумининг қарорларидан ва Озиқ-овқат программасидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишда янги бошқарув органлари — агросаноат бирлашмаларига катта роль ажратиб берилмоқда. Партия комитетлари қишлоқдаги янги органларнинг тезроқ куч-қувват касб этишлари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак. Аввал бошданоқ ўз фаолиятининг тўғри йўлини танлаб олишда, қишлоқ хўжалигини ва умуман агросаноат комплексини ривожлантиришнинг асосий масалаларини ҳал этиш учун ишчанлик билан киришишда уларга ёрдам бериш жуда муҳимдир.

Бирлашмалар қишлоқ хўжалиги билан алоқадор бўлган барча ташкилотларнинг ҳамжиҳатлигини, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришни таъминлаб, колхоз ва совхозларнинг фойдали ташаббусларини, омилкорлигини қўллаб-қувватлашлари ва рағбатлантиришлари керак. СССР Министрлар Совети Президиумининг агросаноат комплекси масалалари билан шуғулланувчи комиссияси ва Қишлоқ хўжалиги министрлиги агросаноат бирлашмаларининг иш тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш соҳасида мунтазам ишни ташкил этишлари лозим.

Қишлоқ хўжалиги олдида турган вазифалар марказий органларнинггина эмас, шу билан бирга республика, ўлка, область партия ташкилотларининг фаолиятига ҳам нисбатан аввалгидан кўра бекиёс катта талаблар қўяди. Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш учун уларнинг масъулиятини оширади. Бу гапни яна бир бор таъкидлаш зарурлигининг сабаби шуки, айрим ходимлар активлик билан ҳаракат қилиш ва вужудга келаётган проблемаларни ўз вақтида ҳал этиш, ички резервлардан ва имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш ўрнига кўпгина ишларни давлатнинг зиммасига юклаб қўйишга интилмоқдалар. Бу гап аввало давлат ресурсларидан ембоп дон ажратиб берилишини сўраб жойлардан келаётган катта-катта илтимосномаларга тааллуқлидир. Айни вақтда кўпгина республикалар, ўлкалар ва областларда дағал ва ширали ем-хашак етиштиришни кўпайтириш масалалари чинакамига ҳал этилмаяпти. Давлатдан олинадиган емни назарда тутиб тобора янги-янги чорвачилик комплекслари қуриш тўғрисидаги кўпдан-кўп илтимослар ҳам шундан дарак беради.

Деярли ҳар йили давлат ресурсларидан қишлоқ хўжалик экинларининг кўп миқдордаги уруғлигини ажратишга тўғри келмоқда. Бу — умуман йўл қўйиб бўлмайдиган бир ишдир, чунки ҳозир ҳамма жойда уруғлик етиштиришни ташкил этиш имкониятлари бор.

Бир қанча областлар, ўлкалар ва республикаларда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш учун маҳаллий ресурслардан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Жумладан, гап аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари имкониятлари тўғрисида бормоқда. Қишлоқда яшовчи кўпгина оилаларнинг шахсий хўжалигида ҳеч қандай чорва умуман йўқлигини тўғри деб бўлмайди. Саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари меҳнат коллективларини озиқ-овқат билан таъминлашда катта ёрдам беришлари мумкин ва лозим. Бироқ, кўп жойларда бу муҳим ишга дуруст эътибор берилмаяпти.

Ҳозирги 1983 йил умуман бутун беш йиллик учун белгиловчи йил бўлади. Планлаштириб қўйилган миқдордаги дон, ем-хашак, техника экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили олинишини таъминлаш, чорвачиликда бошланган ижобий силжишларни мустаҳкамлаш — бу йил қилиниши лозим бўлган энг асосий ишдир.

Сиёсий бюро марказда ва жойларда ҳосилни таъминлаш билан боғлиқ бўлган жамики ишни йил бошлангандан бери доимий назорат қилиб турибди. Кўкламги дала ишлари фронти ҳамма республикаларни ўз ичига олаётган ҳозирги пайтда агротехника ишларини юқори сифатли қилиб ўтказиш энг муҳим амалий вазифадир. Мелиорацияланган ва аввало суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш ҳақида, мўл ҳосил олинишини таъминлаш мақсадида сув ресурсларини тежаб-тергаб сарфлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак. Суғориладиган деҳқончиликдаги ишларнинг бутун комплексини назорат остига олиш, оператив равишда зарур чораларни кўриш керак.

Сиёсий бюро номидан ўртоқ Ю. В. Андропов министрликлар ва идоралар, маҳаллий партия ва давлат органлари тегишли хулосалар чиқариб оладилар ҳамда ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириш, қишлоқ хўжалиги олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш юзасидан зарур чораларни кўрадилар, деб ишонч билдирди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, В. В. Щербицкий; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе; КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков, Н. И. Рижков, шунингдек СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, министрлар, КПСС Марказий Комитети аппаратининг, СССР Министрлар Советининг, марказий министрликлар ва идораларнинг масъул ходимлари қатнашдилар.

Драматургларнинг ижодий кечаси

Саҳна санъатининг, бутун мамлакатимиз маданиятининг бугунги ва эртанги куни совет адибларининг муддаолари ва изланишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. 19 апрель куни Тошкентда Москва, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг таниқли драматурглари шу ҳақда фикрлашувни бошладилар. Улар совет адабиёти проблемаларини, СССР халқлари кўпмиллатли драматургиясининг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши масалаларини муҳокама қилиш учун Ўзбекистон ССР пойтахтида ижодий конференцияга йиғилдилар.

Конференцияни Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов очди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари А. Д. Салинский доклад қилди. У Советлар мамлакатининг адиблари етмишдан ортиқ тилда ижод қилаётганлигини, мустаҳкам ҳамдўстликда меҳнат қилиб, ўзларининг бутун фаолиятини жаҳонда илғор социал ўзгаришлар бўлиши учун, инсониятнинг ёрқин келажаги учун кураш билан боғлаётганлигини айтди. Улар КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларида партиянинг бошқа хўжаликларида ўртага қўйилган улуғвор вазифаларни ҳал этишда актив қатнашмоқдалар.

Кўпмиллатли совет адабиётининг ажралмас қисми бўлган драматургия бошқа жанрлар билан бир қаторда асримизнинг илғор коммунистик ва эстетик идеалларини ифода этиб, келгуси авлодлар маънавий ҳаёти учун замин яратмоқда. Пьеса, либретто, сценарий ҳар бир муаллифининг ижоди маданиятимизни янада ривожлантириш учун партиявий масъулият нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. КПСС Марказий Комитетининг «Янка Купала номли Белоруссия давлат академик театри партия ташкилотининг иши тўғрисида»ги қарори ҳам мана шу мақсадга қаратилган. Янги жамият қурувчиларини ватанпарварлик руҳида ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ишида партиянинг содиқ ёрдамчилари бўлган драматурглар замондошимиз образини яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар союзи драматургия кенгашининг раиси Ў. Р. Умарбеков, қозоқ драматурги Д. И. Исабеков, Қирғизистон ССР театр жамияти правлениесининг раиси Д. А. Молдабоев, Тожикистондан келган драматург М. Ҳакимова, Туркманистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети раисининг ўринбосари А. Огабоев, «Театральная жизнь» журналининг бош редактори Н. И. Мирошниченко, москвалик драматург Л. А. Жуховицкий, филология фанлари докторлари Л. П. Қаюмов, Ҳ. Ш. Абдусаматов (Ўзбекистон), қозоқ драматурги С. Жунусов ёзувчиларнинг турмушни унинг бутун хилма-хиллиги ва мураккаблигида акс эттирувчи, ҳозирги замон томошабинларининг ўсиб бораётган маънавий талаб-эҳтиёжларига жавоб берадиган теран фикрли ва сермазмун асарлар яратишга интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Конференцияда халқаро майдонда идеологик курашнинг ҳозирги пайтда кескинлашганлиги ёзувчилар ижодига янги-янги жиддий талаблар қўяётганлиги тўғрисида гапирилди. Бу эса адиблар зиммасига совет турмуш тарзи афзалликлари, ССР Иттифоқи халқлари ишларининг гўзаллиги ва улуғворлиги, уларнинг планетада тинчликни мустаҳкамлашга бўлган муддаолари ишонарли тарзда очиб берилган асарлар яратиш йўлида янги куч-ғайратлар сарфлаш мажбуриятини юклайди.

Конференция иштирокчилари кўпдан-кўп мўътабар анжуманлар ўтказилаётган дўстлик шаҳри, йирик маданият маркази — Тошкент драматургларнинг учрашув жойи қилиб танланганлиги бежиз эмаслигини айтдилар. Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги 30 та театр афишаларида Москва, Украина, Озарбайжон ва бошқа қардош республикалар таниқли ёзувчиларининг номларини кўриш мумкин. Ана шу муаллифлар асарларининг кўпчилиги ижодий ҳамдўстликда яратилган. Масалан, «Икки дил достони» балети шундай асарлардандир. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театри конференция иш бошлаган биринчи кунда меҳмонларни ўзининг ана шу спектаклига таклиф этди. Асар РСФСР, Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг санъат ва адабиёт усталари иштирокида саҳнага қўйилди. Ўзбекистон муаллифларининг пьесалари мамлакат турли театрларининг саҳналарида муваффақият билан қўйилмоқда.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда. Конференция программасига мувофиқ унинг қатнашчилари драматургиянинг энг муҳим проблемалари юзасидан кенг кўламда фикрлашиб оладилар. Янги театр постановкалари билан танишадилар. Самарқанд ва Навоийга сафар қиладилар.

(ЎзТАГ).

ҲОЗИРГИ ДУНЁ ЭКОНОМИКАСИ ПРОБЛЕМАСИ

19 апрель куни Тошкентда «Ҳозирги замон капитализмини тадқиқ этиш» халқаро проблема комиссиясининг мажлиси очилди. Социалистик мамлакатлар фанлар академияларининг кўп томонлама ҳамкорлиги программасига мувофиқ тузилган комиссиянинг мана шу ўн саккизинчи мажлиси бу гал «Капиталистик мамлакатлар экономикасидаги структура силжишлари ва структура сиёсати» мавзуидаги илмий сессия билан бирга қўшиб ўтказилмоқда. Шу анжуманда қатнашиш учун совет олимлари билан бир қаторда Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Чехословакиядан таниқли иқтисодчи-тадқиқотчилар Ўзбекистон пойтахтига келдилар.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, республика Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсупов очди.

Биринчи ялпи мажлисда «Марксизм-ленинизм назарияси ва ҳозирги замон капитализми проблемалари» ҳақида СССР Фанлар академияси Жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институти директорининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори И. Е. Гурьев асосий доклад қилди.

Ялпи мажлис программасига Совет Ўзбекистони социал-иқтисодий тараққиётининг хусусиятлари тўғрисидаги масала киритилган. (ЎзТАГ).

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН

Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ҳар бир коллектив учун ишлаб чиқариш резервларининг ўзигахос кўриги бўлди. Куйбишев район меҳнаткашларининг зарбдор меҳнати «Қардошлик қонунига биноан. Москва — Тошкентга» катта театрлашган байрам билан ниҳоясига етди.

— Ўзининг 2000 йиллигига тайёрланаётган шаҳримиз тобора чирой очмоқда,— деб таъкидлашди митингда сўзга чиққан ўртоқлар. — Районимиз қиёфаси ҳам ўзгараяпти. Ҳамид Олимжон номидаги майдонда «Дўстлик» турар жой комплекси қурилишини тугаллаётган Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Москва давлат «Мосжилстрой» трестининг 220-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари юбилей арафасида тошкентликларга ажойиб совға тайёрладилар. Қурувчиларга катта раҳмат!

Байрамнинг фахрли меҳмонлари — москвалик қурувчиларга совғаларни топширдилар.

Шундан сўнг катта концерт бўлди.

Гоголь кўчасидаги байрам мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва қардошлигининг чинакам тантанаси бўлди.

* * *

СУРАТЛАРДА: Куйбишев районида турар жой бинолари комплексини бунёд этаётган москвалик қурувчилар; концерт вақтида.

КАСБ ТАНЛАШ ОЙЛИГИ

Ўзбекистон ЛКСМ Октябрь район комитети, район ижроия комитети ва район халқ маорифи бўлими мактаб ўқувчиларининг касб танлаш ойлигини ўтказиш тўғрисида қўшма қарор қабул қилган эди. Касб танлаш ойлиги Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 113 йиллигига, ва Тошкент шаҳрининг икки минг йиллигига бағишланди. Ойлик давомида район ҳунар-техника билим юртларининг вакиллари ўз билим юртларида таълим олишнинг афзалликлари, бу ерда ишчи касби билан бир қаторда ўрта маълумот ҳам олиш мумкинлиги тўғрисида сўзлаб бердилар. Ёшлар район ўқув ишлаб чиқариш комбинатининг ишчи ўринбосарлари тайёрлаш бўйича иши билан ҳам танишдилар.

Ёш техниклар ижодига бағишланган кўргазмада ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг техник тўгаракларда, ишлаб чиқариш устахоналарида, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Главташкентстрой», Тошкент тўқимачилик комбинатида бажарган ишларидан намуналар намойиш қилинди. Бу ишлар билим юртлари ўқувчиларининг кўп қиррали ҳаёти ҳақида тўлиқ тасаввур берди.

Шуниси қувончлики, кўрик давомида район мактабларининг юзлаб ўқувчилари келгусида ҳунар-техника билим юртларига кириб ўқиш иштиёқини билдирдилар.

Ш. ШОАЛИМОВ.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ БИЛАН

Қашқадарё областидаги Усмон Юсупов номли қўриқ совхоз-техникумда барпо этилган янги тутзорлар одатдагидан тезроқ ҳосил берди. Кўчатлар ўтқазилгач, 4 йилдан кейин эмас бир йилдан кейиноқ қалин барг билан қопланди.

Тошкент давлат қишлоқ хўжалик институтининг олимлари ишлаб чиққан тутзор барпо этишнинг янги технологияси тут ўсишини тезлатишга ёрдам берди. Деҳқонлар март ойида мавжуд тут навдаларини кесдилар ва қаламчаларини одатдагидек тик қилиб эмас, балки ётқизиб тупроққа кўмдилар. Бир ой мобайнида мўл-кўл суғориб турилди. Шундай қилиб қаламчалар тез ўса бошлади. Ҳар бирида 3—4 тадан ниҳол тутди.

(ЎзТАГ).

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Шаҳримиздаги «Ўртоқ» кондитер фабрикаси ишчилари йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдириб меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир корхонада бўлган киши бу ерда кўплаб меҳнат илғорларини учратади. Улар орасида вақтдан ўзиб келгуси йил ҳисобига маҳсулот топшираётганлар ҳам, иккинчи квартал планини муваффақиятли адо этганлар ҳам бор.

Ваъдасига вафодор коллектив партия ва ҳукуматимиз қарорларига ҳамиша амалий иш билан жавоб бериб келмоқда. Жумладан қандолатчиларнинг мамлакатимиз озиқ-овқат программасини амалга оширишда ўзларининг самарали ҳиссаларини қўшиб келаётганликларини айтиб ўтмоқ кифоя.

Корхона меҳнат аҳли маҳсулот турларини оширишга ҳам муҳим эътибор беряпти. Ҳозир бу ерда 50 га яқин турда кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг ирис цехида маҳсулот тайёрлаш жараёни.

М. Нуриддинов фотолари.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

УЮШҚОҚЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Автопаркда меҳнат сурони жуда эрта бошланади. Автобуслар бирин-кетин парк дарвозасидан чиқиб, тонг нуридан ҳам тўла ёришиб улгурмаган асфальт кўчалардан ғизиллаб белгиланган маршрутлар томон йўл олади. Кўп ўтмай шаҳар уйғониб, бекатлар йўловчилар билан гавжумлаша бошлайди.

Бу ҳолат ҳар куни, ҳаётнинг бир темир қонуни сифатида такрорланаверади, ғилдираклар айланаверади, йўловчилар тушади, чиқади, тушади... Ҳамма қаёққадир ошиқади, албатта, ишга, юмушга... Мана шу жуда муҳим жараённинг бир текис кетиши автотранспортчиларга, уларнинг ғайрати ҳамда меҳнатга бўлган муносабатига боғлиқдир.

3-автопарк коллективи ўртасида бу хусусиятлар тўла шаклланган. Бунинг учун коллективнинг ўтган йилги муваффақиятларига бир назар ташлашнинг ўзи кифоя. Корхона аҳли ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини юксак меҳнат кўтаринкилиги билан якунлаб, бошқармадаги тўққиз йирик автокорхона коллективи ўртасида ўтказилган социалистик мусобақада ғолиб чиқди. Корхона илғорлари С. Холиқов, Т. Миржалилов, М. Миневалиев, Э. Маҳкамов, Ш. Отаматов ва бошқа кўплаб ўз касбига меҳр қўйган пешқадам ишчиларнинг астойдил меҳнати туфайли йил давомида пландан ташқари 1 миллион 576 минг йўловчига хизмат кўрсатилди. Корхона коллективлари ўртасида ўтказилган ўзаро социалистик мусобақада эса М. Расулов етакчилик қилаётган 1-колонна ҳайдовчилари олдинги ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Бугунги кунда коллектив 20 дан ортиқ маршрутга хизмат кўрсатиб, ҳар куни 154 минг йўловчининг узоғини яқин қилмоқда. Шунингдек, бу йил автобуслар сони яна 40 тага кўпайди. Бу ҳол йўловчиларга хизмат кўрсатишни янада яхшилашга имкон бермоқда. Бундан ташқари 11-«э», 43-«э», 46, 16-маршрут коллективлари «Намунали хизмат кўрсатиш маршрути» номи остида меҳнат қилмоқда ва яна 12 маршрут коллективи ана шу ном учун курашмоқда. Э. Маҳкамов бошчилигидаги 11-«э» маршрут коллективи бригада пудрати методи асосида меҳнат қилиб бу методни нечоғлик соз эканлигини амалда исботламоқда. Ваҳоланки, Э. Махкамовнинг ўзи беш йиллик планни 4 йилда бажаришга бел боғлаган. Бошқа бригадалар ҳам бу илғор коллективга тегишли ҳаракат қилмоқда. Республикамиз пойтахтининг 2000 йиллик юбилейи нишонланадиган бу йилда корхона ишчилари 58 миллион йўловчига хизмат кўрсатиш мажбуриятини қабул қилишган. Шунингдек, 100 нафар ишчи юбилей кунигача ўн биринчи беш йилликнинг уч йили планини бажаришга қарор қилган. Бундан ташқари, аҳоли эҳтиёжлари ҳам чуқур ўрганилиб борилмоқда. Аҳоли зич жойлашган маршрутлардаги ПАЗ—672 типидаги автобусларни ЛАЗ ва «Икарус» пассажир автобусларига алмаштириш кўзда тутилмоқда. Чунки, 35, 46, 116-маршрутлардаги кичик автобуслар бугунги кун талабига жавоб бермай қўйди.

Корхона қўлга киритаётган ютуқларда албатта, автопарк маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотларининг хизматлари катта. Илғор ишчилар ўз вақтида рағбатлантирилиб борилади, уларнинг иш тажрибалари коллективда кенг ўзлаштирилиши учун зарур бўлган барча чора-тадбирлар олиб борилади. Корхона касаба союз ташкилотининг ташаббуси билан ташкил этилган кутубхона ремонтчи слесарь ва ҳайдовчилар билан (ишдан бўш пайтларда) доимо гавжум. Бу ерда улар ўз билимларини ошириш билан бирга маданий ҳордиқ чиқарадилар. Ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий ишлар қай даражада яхши йўлга қўйилган бўлса, узоқ йиллар шу коллективда ишлаб, эндиликда кексалик гаштини сураётган собиқ ҳайдовчилар билан ҳам доимий алоқада бўлиб келинмоқда. Кексалар корхонага келиб, ёшларга йўл-йўриқлар кўрсатиб, ремонт ишларида ёрдам бериб туришади. Ана шундай кишилардан бири 73 ёшли Шукур ота Содиқовдир. Шукур ота инқилоб кўрган одам, Улуғ Ватан урушининг учинчи куниёқ кўнгилли равишда ГАЗ—А—М маркали «Полуторка» юк машинасида Сталинград ҳимоясига отланган. У ўз машинасида Австрия пойтахти Венагача борган. «Жасурлиги учун», «Жанговар хизматлари учун» медаллари билан мукофотланган. Урушдан сўнг 38-маршрутда то пенсияга чиққунча меҳнат қилди. «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери бўлган бу отахон ёшларнинг севикли устозидир.

Уруш ва меҳнат ветеранларининг тез-тез корхонага келиб, ёшлар билан суҳбатлар ўтказиб туришлари меҳнатга муҳаббат, касбга эзгулик уйғотади. Бу эса намунали хизматнинг юзага келишида асосий омиллардан бири ҳисобланади.

М. ЮСУПОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — ХОЛИС ХИЗМАТ БЮРОСИ

ЭЛ ТАҲСИНИНИ ҚОЗОНИБ

Р. Фахриддинов мана, 25 йилдирки, такси ҳайдовчилик касбини шарафлаб, одамларнинг таҳсинига сазовор бўлиб келмоқда.

Рамзиддинда ҳайдовчилик касбига ҳавас ёшлигидан уйғонди. У 1971 йилда 6-таксопарк очилиши муносабати билан ана шу корхонада ишлай бошлади. Моҳир ҳайдовчи бу ерда меҳнат интизомига қатъий риоя қилиши, шаҳар аҳолиси ҳамда меҳмонларга хушмуомалалик билан маданий хизмат қилиши, ҳаракат хавфсизлигига қаттиқ амал қилиши ҳамда жамоатчилик ишларида актив қатнашиши натижасида коллектив ўртасида ҳурмат қозонди.

У меҳнат қилаётган коллектив унинг иккинчи уйига айланиб қолган.

Рамзиддин ака ўтган йили давлат планини 119,6 процент қилиб бажарган эди. У ойлик, квартал планларини ҳамиша муддатидан олдин бажариш билан бирга жамоат ишларида актив иштирок этиб, коллективга ўрнак бўлмоқда.

Ўтган йили ҳайдовчи ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Коллектив унга катта ишонч билдириб, Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайлади.

Рамзиддин ака ҳозирги кунларда депутатлик борасида ҳам катта ишларни амалга ошириб келмоқда. У паркда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссиясининг раисидир. Ҳар ойда 109-мактабда ўтказиладиган депутатлик кунида аҳолидан тушган шикоятларни кўриб чиқиб, тегишли амалий ёрдамлар кўрсатиб келмоқда.

— Инсон ҳалол меҳнат қилса, унинг меҳнати ҳеч қачон зое кетмас экан. «Инсон меҳнати билан улуғ» деган нақл ҳам бекорга айтилмаган экан, — дейди суҳбат орасида Рамзиддин ака.

Дарҳақиқат, партия ва ҳукуматимиз унинг кўп йиллик меҳнатини юксак қадрлади. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Шавкатли меҳнати учун» нишони, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи, Ўзбекистон ССР Автотранспорт министрлигининг қатор ёрлиқлари, «Авариясиз ишлаганлиги учун» нишони билан мукофотланган.

Тажрибали ҳайдовчи Тошкентнинг 2000 йиллиги юбилейини шахсий давлат планини бажариш билан қаршилаш мажбуриятини олган.

Р. ОРИПОВ.

ЁМОННИНГ БИР ҚИЛИҒИ...

«Элга хизмат — олий ҳиммат» деган ҳикматли мақол бор. Лекин бу ҳикматни уққанлар ҳам, уқиб ола билмаганлар ҳам бор экан.

Шу йил 9 апрель куни кундузи соат тўртлар чамаси биз уч киши — эл-юрт ҳурматини қозонган, Улуғ Ватан уруши ветерани, истеъфодаги полковник Р. Қаюмов, ТошМИ профессори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби А. Тўхтабоев ва мен «Тошкент» меҳмонхонаси ёнидаги такси бекатига келдик. Биз дўстимиз А. Тўхтабоевни уйига кузатиб қўймоқчи эдик.

Такси машиналар бироз узилишиб қолган шекилли, одамлар гавжум эди. Навбатчи диспетчер бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. У ёшимиз улуғлигини ҳисобга олиб, «Биринчи такси сизларники-да, акажонлар», деди.

Бироздан кейин «19—01 ТНА» (гараж номери 538) номерли такси машина ғириллаб бекатга кириб келди. Ҳайдовчи диспетчерга ҳам парво қилмай, ён-атрофга аланглаб қарай бошлади. Диспетчер ундан путёвкани белги қўйиш учун беришини сўраб бизнинг меҳмонимизни манзилга элтиб қўйишини айтар-айтмасиданоқ, ҳалиги такси шофёри (фамилияси Набиев экан) бирдан тутоқиб кетди: «Йўқ, бензиним оз, узоқ жойга бормайман, яқиндагилар уч-тўрт киши бўлса, олиб кетаман, бўлмаса ҳеч кимни олмайман», деб терс туриб олди. Бунинг устига путёвкани бермасликка ҳаракат қилиб, қаршилик кўрсата бошлади. Диспетчерни бекордан-бекорга куракда турмас сўзлар билан безориларча ҳақоратлади. Путёвкага белги қўяётган иккинчи диспетчер Гажиеванинг эса тумшуғига мушт тушишига сал қолди. Фикримизча у бир кишини олиб кетишдан «дуруст фойда» кўрмайман, деб тўполон чиқарди.

Хўш, такси рулини бошқараётган бундай асаббузарга ким эркинлик бериб қўйибди? Бунинг олдини олиши лозим бўлган 1-автокомбинат маъмурияти қаёққа қараяпти?

Ҳ. ҒУЛОМОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Юқоридаги икки хатни газета саҳифасида эълон қила туриб кишининг обрў-эътибори ўз қўлида, деган гапга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бир такси ҳайдовчиси одамлар билан хушмуомалада бўлиши, хизматини миннат қилмаслиги сабабли рахматнома оляпти. Иккинчиси эса бунинг акси. «Ўжар» ҳайдовчи ўз хизмат бурчини бажараётганида йўловчиларнинг, ҳатто ўз ишини назорат этувчи диспетчерларнинг асабини бузган, уларни ҳақорат этишгача борган, яъни ўз ахлоқсизлигини кўрсатган. Бу ҳодиса енгил такси паркларида тарбиявий ишларнинг бўшлигидан, хизмат кўрсатиш маданиятининг пастлигидан дарак бермайдими!! Редакция «Главташпассавтотранс» раҳбарларидан шу хусусда жавоб кутади!

«ШАҲАР ВА ГАРАЖ МУАММОСИ»: АВТОҲАВАСКОРЛАР БИЛАН СУҲБАТ

ШАҲАР ВА ШАҲАРЛИКЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

«Шаҳар ва гараж муаммоси» — газетамизнинг шу йил 1 апрель сонида босилган Очиқ хат шундай деб номланган эди. Унда шаҳримиздаги турар жой кварталларининг ташқи қиёфасини яхшилаш, жамоатчилик ва кооператив автомобиль сақлаш жойлари қурилиши билан боғлиқ масалалар кўтарилган эди. Мухбиримиз шаҳримиздаги бир қанча очиқ автомашиналар сақлаш жойларида бўлиб, у ерда машиналарини сақлаётган ҳамшаҳарларимиз билан суҳбатлашди.

Тошкентнинг 2000 йиллигига қизғин тайёргарлик кўраётган шаҳримиз меҳнаткашлари Ўзбекистон пойтахти янада обод ва кўркам бўлишига катта ҳисса қўшишмоқда. Мисол учун Юнусобод ва Қорақамиш массивларини олиб кўрайлик. Сўнгги йилларда ана шу массивларнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Муҳташам бинолар, маданий-маиший объектлар қад кўтарди. Шахсий машина эгалари учун қулайлик яратиш масалалари ҳам унутилаётгани йўқ. Юнусободдаги Б—2 кварталида 130 машина сақланадиган жой бор. Бу ерда камераларни ямаб берадиган бўлим ишлаб турибди. Яқинда шу ернинг ўзида машиналар техник кўрикдан ўтказилди. Ҳадемай, мойларни алмаштириш ва майда ремонт ишларини бажарадиган бўлимлар ҳам ташкил этилади.

«Марказ — 4» даги 11-очиқ автомашиналар сақлаш жойида бўлганимизда ҳамшаҳарларимизнинг баъзилари ишдан қайтиб, машиналарини қолдириб чиқишаётган, баъзилари эса машиналарини ремонт қилишаётган экан. Шчорс кўчасидаги 1-уйнинг 30-квартирасида истиқомат қилувчи Ю. Броцкий билан суҳбатлашамиз.

— Менинг уйим шу очиқ автомашиналар сақланадиган жойдан икки километр нарида. Лекин машинамни ҳар доим ана шу ерда қолдираман. Эрталаб уйдан пиёда юриб келиб, қайтишимда трамвайда кетаман. Биринчидан, бу соғлиғим учун фойдали, иккинчидан: машинамдан кўнглим тўқ. Истаган вақтимда миниб чиқиб кетавераман. Менимча, темир гаражлардан воз кечиб, барчага қулай бўлган ана шундай очиқ автомашиналар сақлаш жойларини кўпайтириш, керак.

— Гапингизга юз фоиз қўшиламан, — деб сўзга аралашди Тошкент политехника институти математика кафедрасининг ўқитувчиси А. Ортиқов, — лекин баъзи истакларим бор. Мана мен, машинамнинг двигателини ечдим, бунинг учун ҳар хил асбоблар керак. Керакли анжомларни «Марказ—6» кварталидаги уйимдан олиб келиб олиб кетишга тўғри келди. Агарда ҳаммага бир хилда қилиб, яшчик ясалса шу асбобларни кўтариб юрмаган бўлардим.

— Биласизми, бунинг учун биз — шахсий автомототранспорт эгалари ҳам ташаббускор бўлишимиз лозим, — деб гапга қўшилди «Марказ—5» кварталидаги 65-уйнинг 32-квартирасида яшовчи В. Ритенко. — Автомобиль сақлаш жойларини ободонлаштиришимиз, қишда қор, ёмғирдан, ёзда офтобдан сақлайдиган соябонлар қуришда ёрдам беришимиз мумкин. Соябонлар архитектура ва планлаштириш бош бошқармаси тасдиқлаган лойиҳа асосида қурилса, янада кўркам чиқади.

Суҳбатдошимиз сўзини машиналарини ўз жойига қўйиб келган Г. Кербалаев, Э. Осипянц ва бошқалар ҳам тасдиқлашди.

Сўнгра биз Собир Раҳимов районида қурилган ва қурилаётган очиқ автомашиналар сақлаш жойлари билан қизиқдик. 1-Тансиқбоев массивидаги 33-очиқ машиналар сақлаш жойида бўлганимизда район автоҳаваскорлар советининг раиси В. Должанскийни учратдик.

— Кўп қаватли уй-жойлардан анча берида, 200 машина учун жой ҳозирланди, — дейди В. Должанский. — Ҳозирча бу ерда 150 киши машиналарини қўймоқда. Ҳадемай, бу ерга бир хил соябонлар ўрнатиш ниятидамиз. Шу ерга яқин жойда юз машинага мўлжалланган ер ости гаражи қурилади. Ана шу гаражнинг устида «Универсам» ва ўт ўчириш депосининг биноси жойлашади. Ҳозир район автоҳаваскорларини ана шу ер ости ғаражи учун регистрация қилиш бошланди.

33-очиқ автомашиналар сақлаш жойини айланамиз. «Жигули», «Москвич», «Запорожец» каби ўнлаб машиналар турибди. Уларнинг эгалари Қ. Маҳмудхонов, Ш. Олтинбоев, Х. Азимов ва бошқа ҳамшаҳарларимиз билан қилган суҳбатимиз шундан далолат бердики, бундай очиқ автомашиналар сақлаш жойларини кўпайтириш керак. Бу ҳамшаҳарларимизга катта қулайлик яратади.

РЕДАКЦИЯДАН: «Шаҳар ва гараж муаммоси» Очиқ хати газетхонларимизда катта қизиқиш уйғотди. Хат муаллифлари шаҳримиз ҳуснини бузиб турган металл гаражларни турар жой кварталларидаги болалар ва спорт майдончаларидан олиб ташлаш вақти етганлигини ёзишмоқда.

Очиқ автомашиналар сақлаш жойларини барпо этиш бир неча йилдан бери давом этаётган муаммога барҳам беради. Лекин баъзи бир машина эгалари машиналарини очиқ автомашиналар сақлаш жойларига қўйишдан бош тортишмоқда. Улар бунинг учун ҳар хил баҳоналарни топишмоқда.

Машиналарга техник хизмат кўрсатиш, асбоб-ускуналар сақланадиган махсус яшчиклар ясаш масаласини тезда ҳал қилиш керак. Коллектив бўлиб жуда кўплаб масалаларни ҳал қилса бўлади.

Уйлаймизки, тошкентлик автоҳаваскорлар билан олиб борган бу суҳбатимиз очиқ автомашиналар сақлаш жойлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Очиқ автомашиналар сақланадиган жойлар бўш турмаслиги керак. Уларни кўпроқ қуриб, яхши техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш зарур.

«Марказ—14» кварталидаги (биринчи сурат) автоҳаваскорларнинг автомобиль сақлаш жойи. Кўплаб машина эгаларига бу ер жуда маъқул бўлди. Лекин ҳалигача ўзининг эски металл гаражидан воз кечмаганлар ҳам топилиб туради. Сиз иккинчи суратда 6-болалар касалхонаси территорияси атрофи, очиқ автомашина сақлаш жойи ёнидаги металл гаражни кўриб турибсиз. Унинг эгаси «Марказ—14» кварталидаги 16-уйнинг 16-квартирасида истиқомат қилувчи Ю. Темиров. Бу гараж йўлни бутунлай тўсиб қўйган. Ўзбошимчалик билан ўрнатилган ана шундай гаражларни олиб ташлаш масаласини Октябрь район ижроия комитети раисининг ўринбосари К. Файзиев ҳал қилиши керак эди. Аммо бу ерда ҳозирча шошилишмаётган кўринишади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОВЕТ КИТОБЛАРИ ВИСТАВКАСИ

БОГОТА. Бу ерда Колумбия—Совет маданий алоқалар институтида В. И. Ленин туғилган куннинг 113 йиллигига бағишланган совет китоблари виставкаси очилди. Жуда катта экспозицияда СССРда нашр этилган совет ва чет эл авторларининг китоблари қўйилган. Уларда Улуғ Октябрь Социалистик революцияси доҳийси, жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлати раҳбарининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади. Экспозициянинг махсус бўлими В. И. Ленин асарларига бағишланган.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Маҳаллий ёқилғи бозорини тўла назорат қилиб турган нефть монополияларининг ўзбошимчалиги билангина Ғарбий Берлинда бензин ва бошқа нефть маҳсулотлари нархи яқинда яна ошди. Социал демократик партия фракцияси раисининг ўринбосари Герхард Шнайдер Ғарбий Берлин депутатлар палатасида шу тўғрида маълум қилди. У парламентда сўзга чиқиб, ўта миллий нефть корпорацияларининг сиёсатини кескин танқид қилди. Бу корпорациялар Ғарбий Европадаги бошқа мамлакатлар тарифларидан анча ошиб кетадиган тарифларни белгиладилар. Бунга эса христиан демократик иттифоқ партияси бошчилик қилаётган шаҳар сенатининг йўл қўйиши билангина эришиш мумкин бўлди, деди у.

* * *

ДУБЛИН. Сўнгги ўн икки ой ичида Дублиндаги 1300 аҳоли ўртасида ўтказилган сўраб чиқиш натижаларининг далолат беришича, бу аҳолининг ҳар уч кишидан бири безорилар ва ўғрилардан жабр кўрган, ҳар икки кишидан бири эса кеч қоронғида уйдан чиқишга қўрқади.

Полиция органларининг маълумотларига кўра, 1982 йилда мамлакатда 90 мингта жиноят бўлганлиги қайд этилган. Бу эса 1975 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кўпдир.

* * *

КОБУЛ. Афғонистоннинг Балх вилояти уезд маркази Мозори Шариф шаҳрида 160 тадан кўп саводсизликни тугатиш курслари ташкил этилди. Бу курсларда ишчилар, деҳқонлар ва ҳунармандлардан қарийб 4 минг киши таълим олмоқда.

ОДДИЙ ЭРМАК ЭМАС

Кўпгина мамлакатларда варрак учириш оддий эрмаккина бўлиб қолмай, аслида у ҳақиқий спорт мусобақаси ҳамдир.

Янги Зеландия маорилари варракни қишлоқлар тепасида учирар эканлар, бу билан улар қишлоқларда осойишталик, яхши кайфият ҳукмроқ эканлигини билдиришади. Агар шамол ипини узиб, варракни учириб кетса борми ҳамма ташвишга тушади. Маориларнинг эътиқоди бўйича бу хунук воқеалар бўлишидан дарак берар эмиш. Бундан безовталанган аҳоли варракни қидиришга тушиб, кўпинча анчагина чақирим йўл босади.

Жанубий Кореяда эса аксинча, шамол варракни номаълум томонга учириб кетса хурсанд бўладилар.



БРУНЕЙ: САРОЙЛАР ВА КУЛБАЛАР

Бруней Буюк Британия протекторатидаги миттигина султонликдир. У Калимантан оролининг шимолида, Малайзиянинг Сабах ва Саравак штатлари оралиғида жойлашган бўлиб, территорияси 5,8 минг квадрат километрни ташкил этади. Осиёдаги ана шу митти давлатнинг жами аҳолиси 200 минг кишидан иборат.

СУРАТЛАРДА: ёш балиқчи мамлакат пойтахти Бандар-Сери-Бегаванда очиладиган якшанба бозорига шошиляпти; Бандар-Сери-Бегаван марказидаги мачитнинг тилла суви юритилган гумбази.

НАЗОРАТЧИ МАШИНА

Ғарбий Германиянинг «Сименс» фирмаси чет кишилар кириши таъқиқланадиган корхоналар ва муассасалар учун янги пропуска системасини яратди. Бу янги системага бир хил қўл суякли икки киши ҳеч ҳам учрамайди, деган ақида асос қилиб олинган.

Эндиликда назорат пунктида «сизни пропускангиз?» деган одатдаги саволни беришмайди. Бу ердан ўтаётган киши назорат асбобининг ярқироқ панелига қўл кафтини пастга қаратган ҳолда қўяди. Юқоридан эса нур тушади ва экранда қўл суяги кўриниши пайдо бўлади. Экран электрон ҳисоблаш машинасига уланган бўлиб, у бир неча дақиқадаёқ қўл суягининг катталигини белгилаб беради. Агар қўл суягининг кўриниши машинанинг хотирасида сақланаётган белгига мос келса, тўсиқ очилади ва ташриф буюрувчи корхона ёки муассаса территориясига ўтади.

ҒАЛАТИ СОАТ

Шумен шаҳридаги миноралари соат Белграддаги энг қадимги соат механизмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Номаълум уста томонидан бундан 240 йил илгари ясалган соат ҳозирги кунда ҳам ўзининг ёқимли жаранги билан шаҳар аҳолисини хурсанд қилиб турибди.

Соат 10 метрли тош устун устига ёғочдан қурилган. Унинг қизиқ томони шундаки, соат механизмларининг барчаси ёғочдан ишлангандир.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

Болгариянинг энг катта саноат марказларидан бири Благоевградда «Октябрь» деб аталган шинам уй-жой комплекси қуриб битказилди.

Май байрами арафасида шу шаҳарнинг аҳолиси янги 2500 квартиранинг калитларини олади. Шу йил қурувчилар қурилиш-монтаж ишлари графигидан ўзиб, яна мингтага яқин квартирани топширадилар.

* * *

Кобулда бўлиб ўтган кўнгилли меҳнат байрамида Афғонистон пойтахтининг 200 мингга яқин аҳолиси, Афғонистон қуролли кучларининг солдатлари, Царандой халқ милицияси жангчилари қатнашдилар. Шуларнинг кўплари шаҳарни ободонлаштириш билан шуғулланди. Шу куни 40 та мактаб ремонтдан чиқарилди ва тартибга келтирилди, ичимлик суви бўлган юзлаб қудуқлар тикланди, 30 минг туп дов-дарахт кўчатлари ўтқазилди.

* * *

Ангола пойтахтида совет китоблари виставкаси очилди. Бунда марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, рус ва совет бадиий адабиётини, болаларга аталган китобларни кўриш мумкин.

Давлат «Эдил» китоб савдо фирмасининг бош директори Эрнешту Эшкорсиу экспозицияни очиб, Совет Иттифоқида нашр этилаётган бу китоблар янги инсонни тарбиялаш ишига жуда катта ҳисса қўшмоқда, деди. СССРда социализм қуриш тажрибаси тўғрисидаги китобларнинг биз учун алоҳида аҳамияти бор, деб таъкидлади у.

Ахлоқ мавзуида

ҚАЙТАР ДУНЁ БУ...

УМИДИНГ ЯХШИ БЎЛСИН, БОЛАМ.
(Оналар тилагидан).

Қўшнимизнинг тўнғич фарзандига совчи келди.

—Вой, сиздек оилага бир эмас, ўнта қизим бўлса ҳам бераман. Ҳамма болаларингиз ўқимишли, уларнинг обрў-эътиборлари баландлигини орқаваротдан кўп эшитганман. Бахтиёржон ҳам, албатта ака-опаларига ўхшаган бўлсалар керак.

Қизи борнинг — нози бор, — дейишади. Биринчи кунданоқ қудаларига розилик бериб юборган онанинг хулқ-атворидан ҳайрон бўлган она: «Қиз билан гаплашсин-чи», — деб ихтиёрни ўғлига берди.

Қиз билан учрашувга чиққан Бахтиёр ҳам «Ақидахон камтар, камгап қиз экан, сиз нима десангиз шу-да, ойижон», — деб розилик билдирди.

Ҳаш-паш дегунча тўй ҳам бўлиб ўтди. Шарофат хола тўй кунлари яхшироқ синай бошлади қудасининг феъл атворини. Саруполарни «паст материалдан экан» деб қайтариб юборган, қўй ва яна алланималарга кўнгли тўлмаган эди.

Куёв тараф йигирма йилдан бери йиғиб қўйганларини (албатта қудалар кўнгли қолмасин деб) тўкиб солди. Шарофат хола ва Салим акалар яхши ният билан келин тушираётган эди.

Одатда, келинли уйга саришталик, меҳр ва осойишталик киради, дейишади. Келин тушган кўчага саҳар пайти сувлар сепилиб, ҳовлилар кулиб туради, дейишади. Нене орзу-умидлар билан келин қилган қайнона ва қайнота, Ақиданинг ёшлигидан бўлса керак, деб унинг қуёш чарақлаб кетганда уйдан чиқишига ҳам, оиладаги бесарамжонликлари г а ҳам унча эътибор беришмади. Аввал қандай бўлса, шундайлигича Бахтиёрга нонушта тайёрлашди, кийим-бошларини ювиб тарашди. Орадан уч ой ўтди ҳамки, Ақида на саҳар туриб қайнона ва қайнотага салом берди, на қўл куйдириб иссиқ таом тайёрлади. Қайнсингиллари келин-ойилик бўлдик, деб қараб туришмади. Унинг уй тутиши, муомалаларда калтафаҳм ва бефаросатлигидан хафа ҳам бўлишмади. Акаларининг иззат-ҳурмати алоҳида меҳр-муҳаббат билан қарай бошлашди унга...

Бир кун уйга катта қиз келди. Елиб-югуриб ош қилаётган, уй тузатаётган қари онасининг аҳволига ачиндими, Ақидахонни сал йўлга солган бўлди. Аммо «хўп-хўп... рост айтасиз...» деб қайнэгачисининг гапларини тинглаган келин, йиғиб қўйган «гапларини» туни бўйи Бахтиёрга тўкиб солди:

— Қайноналик уйга ўт тушсин, дерди бир дугонам. Рост айтар экан. Қайнона дўст бўлмаганидек, қайнэгачилар ҳам дўст эмас экан!..

— Дастурхон устида қайнотам ҳадеб «олинг»... «олинг» дейверади. Еманг, деганими бу!.. Синглингиз ўқимайсиз, ишламайсиз, бекорга юрманг, тикувчилик курсига бирга кириб ўқийлик, дейди. Нима, энди менинг кўйлак тикиб, пул топишим қолувди!.. Уч ой бўлди тушганимга, ҳали бир янги кўйлак ҳам олиб бермадингиз!..

Хуллас, орага гина ва кудурат аралашди. Гапдан гап чиқди. Кўнгли хижил бўлган Бахтиёрнинг ҳам, тўрс муомала қила бошлаган келиннинг ҳам на еганида, на турганида дилхушлик бор эди. Кейинги уч ой қандай ўтганини билмайди Шарофат хола. Бир нарса деса янги қудачалик...

Аммо Ақида бу оиладаги ўзаро ҳазил-ҳузул гаплардан ҳам ўзича салбий хулоса чиқариб, ҳаммасини онасига етказиб турди. Онасининг чизган чизиғи асосида «иш» юритди. Мана охири, ўн кун бўлди, уйига «меҳмон» бўлиб борган Ақида қайтиб келмади. Эри ва қайнонаси сўраб келганда онаси муомала қилиб юборди: «Бизни ташлаб қўйган қизимиз йўқ! Шу олти ой давомида сизлардан нима яхшилик кўрди! Бири икки бўлмади, қизимнинг!..»

Мен бу воқеаларнинг гувоҳи бўлиб, бир нарсани ўйлаб қолдим. Биз ҳам келинмиз, биз ҳам турмушнинг ширин-аччиқ дамларини бошимиздан кечиряпмиз. Аммо ҳамиша ажиб бир сезгирлик, ажиб бир истиҳола билан яшаймиз: қайнона ва қайнотамизнинг кўнгилларини оғритиб қўймадикми? Уларнинг ўғилларига биз ҳақимизда ёмон гап айтишларига йўл қўймадикми? Чунки мен ва овсинларим фарзандларимизнинг отасини нари борса, беш-ўн йилдан бери биламиз. Қандай қилиб 20—30 йилдан бери тарбиялаб, вояга етказганларни ёмон отлиққа чиқариб қўяйлик? Улар турмуш ўртоғимизнинг ота-оналари-ку, қолаверса, мендан кўра улар ўз фарзандларига яқин! Аммо, оилавий «миш-миш»лар натижасида ота-онасидан, қайнота ва қайнонасидан кечиб кетаётганлар йўқ эмас, албатта.

Қайнотам гапириб ўтирадилар: «Ҳамма оила қургач, «болам-болам» деб кетади. Ҳеч ким «отам-онам» демайди. Чунки Одам Ато ва Момо Ҳавонинг ота-оналари эмас, балки болалари бўлган.

Йўқ-йўқ, нобоп фарзандларидан куйган ота-оналарга тасалли бериш учун айтилган бу гапларга асло қўшилгим келмайди. Ота-онадек муқаддас, ота-онадек асло топилмас зот борми оламда? Аммо, ота-оналарда ҳам ота-оналик шаън-шавкати бор экан. Мен бир-икки кун уйимизга бориб сал ҳаяллаб қолсам, ота-онам тезроқ қайтишимни, ўша ерда тиниб-тинчишимни айтиб туришади: «Меҳр кўзда, қизим. Келсанг марҳамат, азиз меҳмонимиз бўл. Аммо иззат билан кел. Энди бу уйга, бу остонага, бу ҳовлига сен меҳмонсан. Ўша тушган уйинг, чин уйингнинг меҳрини қозонгин, Сен ҳам у ерга меҳр қўйгин».

Ақидахоннинг ота-онаси эса уриш-жанжалсиз, арзимаган сабаб билан аразлаб келган қизини бағрига «босиб» ўтирибди. Бу инсофдан эмас. Орзу-умид билан бир ёстиққа бош қўйган икки ёшни ҳаётда ҳар доим учраб турадиган арзимас «жанжал» қурбони қилиш инсофдан эмас. Менимча, турмуш ўртоғидан ноўрин нолиган фарзандини ота-она вақтида қайириб ташлашлари керак эди.

Ота-оналаримиз айтишади: ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Аччиқ кетидан ширин келади, йиғидан сўнг кулгу. Одам боласи ширинга ҳам, аччиққа ҳам кўникиши керак. Энг асосийси, ҳар ким ҳаётда экканини ўради.

Оила — ҳаётимиз боғи. Бу боғни гуллатиш, яшнатиш кўркам қилиш ўз қўлимизда. Оилада ота-оналарни, катта-кичикларни, эрхотинни, хуллас ҳаммани бирдек ҳурмат-иззат қилиш яхши кайфият туғдиради, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди.

Бир донишманд айтган экан.

— Одатда дарада қандай овоз берсанг, шундай акс-садо эшитгасан. Ҳаёт ҳам шундай, сен одамларга нимаки қилсанг, ўзингга шундай бўлиб қайтади. Шунинг учун қариялар «қайтар дунё бу» дейишади.

Ширинзабо н л и к, хушмуомалалик, софдиллик ва камтарлик инсоннинг энг гўзал фазилатларидирки, ундан фақат яхшилик гули унади. Зеро, яхши умид — ширин кунларнинг етаклаб келади.

Умида АБДУАЗИМОВА.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

ИДИШДАГИ ҚУЙҚУМНИ КЕТКАЗИШ

Сув таркибидаги турли тузлар эриганда сувга маълум маза беради. Бу тузларнинг баъзилари сув қайнаганда парчаланади ва идиш деворига қаттиқ қатлам бўлиб, ёпишиб қолади. Қуйқум чойгум тумшуғини беркитиб қўяди. Чойгум девори қуйқумдан қалинлашиб кетгани туфайли, сув секин исиб, дарров қайнай қолмайди.

Идишдаги қуйқумни кетказиш учун махсус восита ишлаб чиқарилган. Масалан, «Антинакипин» деб аталадиган восита алюмин ва сирланган идишдаги қуйқумни яхши кетказади. Бунинг учун «Антинакипин» порошогидан чойгумга ёки кастрюлькага солиб, идишнинг учдан икки қисмига қадар совуқ сув қуйинг-да, уни 40—60 минут қайнатинг. Сўнгра сувни тўкиб ташлаб, идишдаги юмшаб қолган чўкмани қошиқ ёки ёғоч билан аста-секин олиб ташланг.

Агар қуйқумни кетказадиган махсус восита бўлмаса, ичимлик сода ва сирка эссенциясидан фойдаланса бўлади. Бунинг учун чойгумга иссиқ сувни тўлдириб қуйинг, қайнаб чиққач, ичимлик сода солинг, яна 30—40 минут қайнатинг.

Идишни айтиб ўтилган ҳар қандай восита билан тозалаб бўлганингиздан кейин, уни иссиқ сув билан бир неча марта яхшилаб ювинг.

Баъзан термоснинг ичида ҳам қаттиқ чўкма пайдо бўлади. Бу билан термос ўз хусусиятини йўқотмайди, агар хоҳласангиз уни ҳам тозалашингиз мумкин. Бунинг учун термосга сирка кислота эритмасини қуйинг (ошхона сиркаси билан сув тенг миқдорда олинади), термос қопқоғини ёпмай, 12 соат қуйиб қуйинг. Сўнгра термосни бўшатиб, ичини сув билан яхшилаб чайинг. Агар чўкма эримаса, термосга сирка кислотанинг ўткирроқ эритмасини қуйиб, муолажани такрорлаш мумкин (бир ярим стакан ошхона сиркаси ва ярим стакан сув ҳисобида).

Термос колбасини шиша тозалайдиган чўтка билан тозалаш мумкин, сўнгра сув билан яхшилаб чайилади.

М. ОРИФЖОНОВА,
тайёрлаган.

Ширин-шакар фарзандларимизни яхши тарбиялашда мураббийлар сидқидилдан меҳнат қилишади. Мунира Мардиева ўттиз йилдирки, боғчада тарбиячи бўлиб ишламоқда. У ҳозир Акмал Икромов районидаги 469-болалар боғчасининг катта тарбиячиси.

СУРАТДА: Мунира Мардиева болалар билан «Китоб — бизнинг дўстимиз» деган машғулотни ўтказмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

• Бу қизиқ

БУҚАЛАМУН ЎСИМЛИК

Қарангки, баъзи ўсимликлар худди буқаламун ҳайвонлар сингари табиатга мослашар экан. Бундай ўсимликлар атроф-муҳитдаги нарсалар ранги қандай бўлса, улар ҳам ўша тусга киради. Бу ҳолатни мослашиш (мимикра) дейилади. Шундай ўсимликлар жумласига Мезембриантема ўсимлигини мисол келтирса бўлади. Бу ўсимлик гули қуёш тик келганда, чошгоҳ пайтида очилади. Ўсимликнинг гули ярим икки ой шаклида бўлиб, барглари қалин этлидир. Бу ўсимлик гули сарғиш ва оқиш рангда бўлади.

Мезембриан т е м а ўсимлиги ташқи муҳитга шунчалар мослашганки, уни атрофдаги дов-дарахтлар, тош ва бошқа нарсалар рангидан ажратиб олиш қийин. Бу ўсимлик ўтган асрнинг бошларида Шимолий Африкадан топилган эди.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

ЯНГИ РУБРИКА: **АКС САДО**

▲ МУНОЗАРАНИ ГАЗЕТХОНЛАР ДАВОМ ЭТТИРИШАДИ

«Бемеҳрлик шунчаликми?»

(«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», 1983 ЙИЛ 17 МАРТ).

Газетамизнинг шу йил 17 март сонида «Бемеҳрлик шунчаликми?» сарлавҳали мақола босилган эди. Унда ўз фарзанди ризқини — алимент миқдорини камайтириш йўлини қидираётган йигит мактуби ҳақида сўз юритилиб, ота ва она бурчи ҳақида айрим мулоҳазалар билдирилган эди. Мақола газетхонлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Буни редакцияга келаётган мактублардан ҳам билса бўлади. Газетхонлар ота ва онанинг фарзанд олдидаги бурчи, уларнинг ўзаро муносабати ва айниқса алимент масаласида ўз мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Биз оқшомхонлар йўллаётган мактубларни «Акс-садо» деган янги рубрика остида бериб борамиз.

БОЛАДА НИМА АЙБ?

«Тошкент оқшоми»да кўтариб чиқилган мавзу бир қарашда оддий бўлиб кўринса ҳам катта ижтимоий аҳамиятга эга.

Н. исмли йигит турмуши юришмагани учун ота-онасини айблашига қўшила олмайман. Ота-онаси уни уйлантиришаётганда оёқ-қўли-ю, кўзи билан оғзини боғлаб қўйишмагандир. Бўлғуси умр йўлдоши билан бир марта бўлса ҳам учрашгандир. Шундай экан, ўша пайтда эс-ҳуши қаёқда эди... Алимент тўғрисида ажралишдан илгарироқ ўйлаб кўриши керак эди.

Улар келиша олмай ажралишган бўлса, болада нима айб! У энди бир умр кўнгли синиқ ўсади-ку! Байрамларда оталар фарзандларини етаклаб юришади. Бу болани эса ким етаклайди!

И. МАМАСОЛИЕВ,
Наманган.

ЙИГИТЛИК ОРИЯТИ БЎЛСИН

«Бемеҳрлик шунчаликми!» мақоласини ўқир эканман, кўзларимдан ёш қалқиб чиқди, юрагимда нафрат уйғонди. Кўз ёшим бир норасида гўдакка бўлган меҳримдан бўлса, нафратим оталик бурчини унутаёзган инсонга қаратилган эди. У ўз тақдири ҳақида ўйлабди-ку, пушти камаридан бўлган фарзанд келажаги ҳақида ўйлашни истамабди. Агар турмуш ўртоғи енгил табиат бўлса, нега ўртада бола йўқида ажрашиб кетишмади!... Икки ўртада фарзанд дунёга келгач, аёлни ёмонлаб юриш иродали кишининг иши эмас деб ўйлайман.

Бўлар иш бўлиб, эр ва хотин ажралишиб кетган экан, иккови ҳам қонунда кўзда тутилганидек ўз бурчини ўтасин. Мабодо ота йигитлик ориятини йўқотиб, 25 процентли алиментни тўлашдан бош тортган тақдирда ҳам бола ўсиб улғаяди. Оталик меҳрини унга Ватан беради.

Б. ТУРДИОХУНОВА.

УНИ ТУШИНИШ КЕРАК

Фикримча Н.нинг ҳам аҳволини тушуниш керак. У моддий томондан қийналгани учун газетага хат ёзган, алимент миқдорини камайтириш йўлини сўраган.

Унинг хатини мақолага мавзу қилиб олмасдан унга жавоб тариқасида юрист маслаҳатини бериш керак эди. Ахир у катталарнинг гапини инкор қилмай уйланган, адашган. Балки қайлиғи ҳам унинг кўнглини ололмагандир. Шу сабабли бутун айбни йигитга юклаш тўғри бўлмаса керак. Мақола автори масаланинг шу томонларини эътиборга олмаганга ўхшайди.

Р. НОДИРОВ.
Бухоро.

ОНАГА ТОШ ОТМАНГ...

Алиментни камайтиришни сўраб газетага хат ёзган отага шундай демоқчиман: Сиз аввало ажралишиб кетган аёл шаънига ёмон сўзлар айтишдан ўзингизни тийишингиз керак эди... Чунки у сизнинг фарзандингизни тарбиялаётган она. Ахир бола сиздан кўрмаган меҳрни энди ёлғиз шу онасидан кўрадику!

Бола сизнинг фарзандингиз. Унинг учун 25 процент алимент тўласангиз нима бўлибди!..

Э. РУСТАМОВА.

НОЛА ЭМАС, МЕҲНАТ ҚИЛИНГ

Н. исмли йигит «ота-онам уйлантиришди» деб ўз айбини бўйнидан соқит қилмоқчи. Хўш, шундай бўлса, қизни тўйдан олдин кўрганида эс-ҳуши қаёқда эди.

Энди оиланинг моддий аҳволи ҳақида икки оғиз сўз айтмоқчиман. Мен ўзим «Главташкентстрой»нинг 17-қурилиш бошқармасида ишлайман. Мен ишлайдиган участкада 25 киши меҳнат қилади. Кўпчилиги ёшлар. Олий ва ўрта махсус билим юртида ўқийдиганлари ҳам бор. Кечагина ўрта мактабни битириб келган ёшлар 200—250 сўм маош олишади. Буни айтишимдан мақсад шуки, яхши меҳнат қилган киши яхши топади, яхши яшайди.

Н. га маслаҳатим шуки, алимент миқдори кўп деб нола қилиб юргандан кўра, кўпроқ меҳнат қилсин. Оғир меҳнатдан қочмасин. Қурилишга ўтиб ишласин. Баъзан оила, фарзанд манфаатини кўзлаб, севган касбингни ташлашга тўғри келади. Н. ҳам бошқа ишга ўтиб ишласа, уни ҳеч ким камситмайди.

Ш. ЁДГОРХЎЖАЕВ,
бинокор.

Куни-кеча Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари драматургларининг конференцияси ўз ишини бошлади. Унда мамлакатимизнинг кўзга кўринган йирик драматургия усталари В. Розов, Э. Радзинский, А. Борщагорский, Г. Мамлин ва бошқалар қатнашмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: Конференция арафасида пойтахт театрларимиз томонидан томошабинларга туҳфа этилган янги асарлардан баъзи саҳналар тасвирланган.

Юқорида Навоий номли ўзбек Давлат академик Катта театрининг «Иоланта» операсидан бир саҳна. Пастда эса Муқимий номли ўзбек Давлат музикали театрининг «Мангулик» музикали драмасидан бир кўриниш.

Маданият хабарлари

ҚИЗИҚАРЛИ ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон кўрлар жамиятининг пойтахтимиздаги Марказий маданият саройида меҳнаткашларни, айниқса, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида кўпгина қизиқарли тадбирлар амалга оширилаётир.

Турли мавзуларда ўқилаётган лекция ва суҳбатлар мунозара ва китобхонлар конференциялари иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Сарой қошида турли тўгараклар ишлаб турибди: рус халқ хори, ўзбек чолғу асбоблари ансамбли, духовой оркестр, вокал чолғу асбоблари ансамбли, рус ва ўзбек драматўгараклари, шахмат-шашка, тикув-бичув тўгараклари шулар жумласидандир.

Чуқур изланишлар халқ талабини ўрганиш: маданият соҳасига янги метод ва формаларни жорий қилишни тақозо қилмоқда.

Маданият саройи қошида саккизта халқ университети мавжуд. Айниқса «Халқлар дўстлиги», «Халқаро муносабатлар», «Қонуншунослик билимларини ўрганиш», «Оила ва турмуш» университетлари жамиятимиз бошланғич ташкилотларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кишиларнинг билим савиясини оширишда, уларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган клублар яхши иш бермоқда. Айниқса «Сиёсий оқартув» ҳамда «Нафосат» клублари олиб бораётган ишлар Тошкент ишлаб чиқариш комбинати ишчи ва хизматчиларига ҳамда яқин атрофдаги маҳаллаларда яшовчи кишиларга жуда манзур бўлмоқда.

Яқинда Ўзбекистон халқ ҳофизи Акмалхон Сўфихонов ва Ўзбекистон халқ артистлари Ориф Қосимов, Муҳаббат Шамаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Илёс Маллаев, Ғуломжон Кўчқоровлар билан қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтди. Бу учрашув томошабинлар қалбида катта таассурот қолдирди.

А. ЭШОНХЎЖАЕВ.

Энг яхши муолажа

ЕР ШАРИ БЎЙЛАБ

Яқинда Тошкентдаги ҳаваскор югурувчилар клубининг икки аъзоси ғалати соврин билан тақдирланишди. Уларга «Ер шари атрофини югуриб ўтганлиги учун» мукофоти топширилди.

Энг кекса ҳаваскор югурувчилардан бири Александр Александрович Усачев ўн йил давомида 40000 километр масофани югуриб ўтди. У ҳозир 66 ёшда.

Красногорск шаҳрида истиқомат қилувчи, Тошкентдаги ҳаваскор югурувчилар клубининг аъзоси 52 ёшли Николай Алексеевич Полойко ўн йил давомида 40 минг километр масофани югуриб ўтиб, фақат 1982 йилнинг ўзида 5558 километр масофани югуриб ўтди.

У машқ қилаётган пайтда 15 ёшли ўғли Дима ва 12 ёшли ўғли Алексей ҳам отасига ҳамроҳ бўлишади.

Улар мактабда яхши ўқиш билан бирга хўжалик ишларини юритишда ота-оналарига яқиндан ёрдам беришади. Ўтган якшанба куни Н. Полойко фарзандлари билан биргаликда Тошкент шаҳрининг Ҳалқа йўли бўйлаб югуриб ўтишди.

А. ЛУТФУЛЛАЕВ,
ҳаваскор югурувчилар клубининг аъзоси.

Коинот—83

ОНА-ЕРИМИЗНИНГ АДРЕСИ

Чексиз коинотда планетамиз — Ернинг ўрни қаердалигини билишга ҳар бир оқшомхон қизиқса керак. Хусусан, планетамиз бўйлаб саёҳатга «отланган» ҳар киши учун унинг қитъаларини, мамлакатлару, шаҳарларини билиш қанчалик зарур бўлса, коинотаро «сайр» қилмоқчи бўлган киши учун ҳам унинг тузилиши, жисмлари орасидаги динамик боғланишлардан хабардор бўлиш шунчалик муҳим ҳисобланади.

Бизнинг планетамиз тунда чарақлайдиган минглаб юлдузларнинг вакили — Қуёш атрофида ундан ўртача 150 миллион километрли масофада айланади. Айланиш тезлиги эса ақл бовар қилмайдиган даражада катта бўлиб, секундига қарийб 30 километрни ташкил қилади. Бир йилда у 942 миллион километрга яқин йўлни ўтиб, Қуёш атрофини бир марта тўла айланиб чиқади. Бу ҳаракат деярли ўзгармас тезликда рўй бергани учун ҳам ҳеч ким уни сезмайди.

Қуёш атрофида Ерга ўхшаш яна саккизта йирик осмон қисмлари — сайёралар айланади, қуёш бу сайёралари билан қуёш системаси дейилувчи системани ташкил қилади. Бу системанинг катталиги, унинг энг чекка планетаси — Плутон орбитасининг диаметри билан белгиланади. Плутоннинг Қуёшдан ўртача узоқлиги 38 астрономик бирлик бўлиб (астрономияда Қуёш системаси ичида ётган осмон жисмлари оралиқларидаги масофалар астрономик бирлик дейилувчи бирликларда ўлчаниб, у Қуёшдан Ергача бўлган ўртача масофага, яъни 149,6 миллион километрга тенг деб қабул қилинади), бу тахминан 5 миллиард 700 миллион километрни ташкил қилади. Атрофида Ер доимо «парвона» бўлган Қуёш ўртача катталикдаги сариқ юлдуз бўлиб, диаметри 1 миллион 400 минг километрдир. Унинг нақадар улканлигини кўз олдимизга келтириш учун шундай мисол кифоя: унинг ҳажмига 1 миллион 300 мингдан ортиқ Ердан катталикдаги шарларни жойлаш мумкин (Ернинг экваториал диаметри 6 минг 370 километр).

Энди, Ерни ўз «бағри»га олган Қуёш системасининг ўзи коинотда қандай жойни эгаллайди, деган табиий савол туғилади. Гап шундаки, гўё бир қарашда коинотда юлдузлар бир текис тақсимлангандек туюлса-да, аслида ундай эмас. Қуёшга ўхшаш миллиардлаб юлдузлар унда тўда-тўда ҳолда учраб, само бўшлиғи океанида бир-бирларидан талай масофаларда ётувчи юлдузларнинг «ороллари»ни ташкил қилади. Бундай «ороллар» фанда галактикалар деб юритилади. Бинобарин, бизни Қуёш ҳам оддий юлдуз сифатида шундай «ороллар»дан бирида ётиб, у «Бизнинг Галактикамиз» деб аталади.

Қизиғи шундаки, маълум галактикага кирган юлдузларнинг жами унинг марказида муажассамлашган ва каттагина масссага эга бўлган ядроси атрофида айланади. Бундай айланиш, галактиканинг қутбий диаметрини вақт ўтгани сайин кичрайишига, экваториал диаметрининг эса, аксинча, катталашишига олиб келади. Бинобарин, аксарият ҳолларида галактикалар, ўз эволюцияларининг маълум босқичида ясси диск кўринишини олишга интилади. Бундай айланувчи диск формасидаги галактикага кирувчи юлдузлар бир-бирларидан жуда катта масофаларда ётиб, бу масофалар, узунликнинг ёруғлик йили дейилувчи бирлигида ўлчанади. Бир ёруғлик йили, тезлиги секундига 300 минг километр бўлган ёруғликнинг бир йилда ўтган йўли узунлигига тенг бўлиб, у салкам 10 минг миллиард километрни ташкил қилади. Бу бирликда Қуёшдан энг яқин масофада ётган юлдузгача (у юлдуз Центавр юлдуз туркумининг энг равшан юлдузидир) оралиқ ўлчанганда қарийб 4,5 ёруғлик йилига тенг чиқади; бошқача айтганда, у юлдуздан Қуёшгача (ёки Қуёш системасигача) оралиқни унинг нури 4,5 йилда ўтади, демакдир.

Хулоса қилиб айтганда, Бизнинг Галактикамизга кирган юлдузларнинг Қуёш системасидан узоқлиги бир неча ёруғлик йилидан бир неча ўн минг ёруғлик йилигача боради. Бу деган сўз, Галактикамиз чегарасида ётган энг узоқ юлдузлардан ёруғлик бизгача бир неча минг йилдагина етиб келади демакдир.

Қуёшимизни ўз ичига олган юлдузлар «ороли» — Бизнинг Галатикамизда оддий кўз билан қарганда 6 мингга яқин юлдуз кузатилиб, телескоплар ёрдамида эса ,бу тўдада қарийб 150 миллиардга яқин юлдузни кўриш мумкин бўлади.

Қизиғи шундаки, Бизнинг Галактикамизга ўхшаган ва миллиардлаб юлдузлардан ташкил топган «ороллар» коинотда жуда кўп бўлиб, улар Галактикамиздан жуда катта масофаларда жойлашади. Бироқ, улардаги юлдузлар алоҳида кўринмай, ташқи галактикалар деб юритилувчи бундай юлдузларнинг «ороллар»и туманлик шаклда Галактикамизнинг маълум юлдуз туркумларига проекцияланиб кўринади. Шундай машҳур туманликлардан бири, Андромеда юлдуз туркумида проекцияланиб, Андромедия туманлиги деб юритилади. Қарийб 100 миллиардга яқин юлдузи бўлган Андромеда Галактикаси Бизнинг Галактикамиздан 1,8 миллион ёруғлик йили масофада ётади ва тузилишига кўра, у ҳам Галактикамиз каби спирал формага эга. Галатикамизга қўшни бошқа икки туманлик — Катта ва Кичик Магеллан булутлари деб юритилиб, биздан қарийб 500 минг ёруғлик масофада ётади. Бошқа бир чиройли спиралсимон ташқи галактика биздан 2 миллион ёруғлик йили нарида жойлашиб, «М—51» деб ном олган ва Югурувчи Тозилар юлдуз туркумига проекцияланади.

Маълумки, замонавий йирик телескопларда (уларга АҚШнинг Паламар тоғига ўрнатилган, кўзгусининг диаметри 5 метрли ва Совет Иттифоқининг Шимолий Кавказда ўрнатилган, кўзгусининг диаметри 6 метрли телескоплари киради) коинотнинг биздан қарийб 5 миллиард ёруғлик йили масофадаги «бурчаклари»ни нишонга ола олади. Бундай «ўткир кўз»ли, телескопларда ташқи галатикаларни кузатиш осмон жисмларига тегишли яна бир қизиқ қонуниятни очди. Маълум бўлишича, бир неча бир-бирига яқин жойлашган галактикалар ўзаро динамик боғланиб, умумий масса маркази атрофида айланар экан. Галактикаларнинг ўзаро боғланган бундай тўдаси фанда маҳаллий тўда деб аталадиган бўлди. Охирги йиллар астрономик кузатишлари эса, бир неча маҳаллий галактик тўдалар группаси яна ҳам каттароқ масштабда ўзаро динамик боғланиб, бошқа бир системани — ўта галактикаларни ташкил қилишлари аниқланди.

Хусусан, Бизнинг Галактикамизни ўз ичига олган маҳаллий тўдага (яъни бизнинг Маҳаллий галактик тўдамизга) ўз Галактикамиздан ташқари Магеллан булутлари, Андромеда, «М—51», Катта Айиқ (Етти қароқчи) юлдуз туркумига проекцияланувчи спиралсимон галактика ва бошқа галактикалар киради. Барча галактик системаларни ўз ичига олган коинотнинг ҳозирги замон кузатиш асбоблари ёрдамида кўриб бўладиган қисми Метагалактика деб юритилиб, унда жами бўлиб, 10 миллиарддан ортиқ галактика саналади.

Хулоса қилиб айтганда, планетамиз Ернинг ёки аниқлик учун «Тошкент оқшоми»нинг, баён қилинган галактик системалардаги «адреси»ни тартиб билан қайд этиш талаб этилса, у: «Коинот, Метагалактика, Ўта Галактика (Маҳаллий галактик системамизни ўз ичига олган система), Маҳаллий галактик тўда (бу тўдада Қуёш системасини ўз ичига олган Галактикамиз ётади), Бизнинг Галактикамиз, Қуёш системаси, Ер, СССР, Тошкент, 700000, ГСП, Ленин кўчаси, 41-уй, «Тошкент оқшоми», — кўринишида ёзилган бўларди.

М. МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фанлари кандидати, доцент, астроном.

(Газетанинг навбатдаги сони 22 апрелда чиқади).

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланади

РЕСПУБЛИКА «БИЛИМ УЙИ»да

(Киров кўчаси, 24-уй)

24 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 да

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Малика АҲМЕДОВА билан

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ УТКАЗИЛАДИ

Учрашувда Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Туроб ТЎЛА қатнашади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/IV да **Бир антли балетлар**, 21/IV да **Майсаранинг иши**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/IV да **Аризасига кўра**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/IV да **Ёшлинда берган кўнгил**, 21/IV да **Ишонмасанг ўламан**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА «ЕТТИ АЖОИБ МАСХАРАБОЗ» **Москва цирки усталарининг томошалари** (19.30).

КИНО

20 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЕРУҒЛИК ФОРМУЛАСИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«МУҲАББАТ ҚОНУНИ» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«КАЗАКЛАР ЗАСТАВАСИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Ўзбекистон 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

21 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЕРУҒЛИК ФОРМУЛАСИ» — **Искра** (жуфт соатларда).

«МУҲАББАТ ҚОНУНИ» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«КАЗАКЛАР ЗАСТАВАСИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-11-59), **Кўнча** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

СССР Алоқа министрлигининг
ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ

23 АПРЕЛЬ ВА 14 МАЙ СОАТ 14.30 МИНУТДА

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Очиқ эшиклар кунига 8—10 синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари, ҳамда мактабни олдин тугатиб кетган, алоқа техникумига кириб ўқиш истаги бўлган йигит-қизлар таклиф қилинадилар.

Бундан ташқари ўқувчилар очиқ эшиклар кунидан бошқа кунлари ҳам техникумнинг лабораториялари, ўқув кабинетлари, устахоналари билан ҳар куни соат 14 дан 16 гача келиб танишиб кетишлари мумкин.

Сизни қизиқтирган масалалар бўйича ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосарига мурожаат қилинг: 2-қават, 208-хона. Телефон 41-35-39.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси (70-уй, 44, 48-автобуслар, 10-троллейбуснинг «Лабзак», 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа техникуми» бекатлари).

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИНИНГ РЕСПУБЛИКА ПРАВЛЕНИЕСИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА СОЮЗИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УЙИ

22 АПРЕЛЬ СОАТ 12.00 да МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН «ФАН, ТЕХНИКА ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ» КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 187-ўрта мактаб ўқувчилари актив қатнашадилар.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

22—26 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

«МАГНЕТИК БЕНД» ГРУППАСИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Бадиий раҳбар — Гунар ГРАБС.

22, 25, 26 апрелда соат 20.00 да.
23 апрелда соат 17 ва 20.00 да.
24 апрелда соат 14, 17 ва 20.00 да бошланади.
Касса ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: касса — 46-03-12, 46-70-31; администратор — 46-07-53, 46-68-77.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг 6-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

бўёқчилар, сувоқчилар, монтажчилар, электр пайвандчилар, бетончилар, арматурачилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, газпайвандчилар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўрта Осиё темир йўлининг ТОШКЕНТ БЎЛИМИГА

юкларни қабул қилиб олувчилар, поезд тузувчиларнинг ёрдамчилари, стрелка пости навбатчиси, башмачниклар, слесарлар, газ-электр пайвандчилар, токарлар, шоферлар, юкчилар, қурувчилар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

токарлар, фрезерчилар, ностандарт ускуналарнинг слесарь-асбобозлари, слесарь-ремонтчилар, лифт бўйича слесарлар, газ-сув автоматларига хизмат кўрсатувчи слесарлар, автослесарлар, электромонтёр, нормировкачи-инженерлар, конструкторнинженерлар, технолог инженерлар, экономист, техник технологлар, токар-автоматчи, штамповкачи, металл қирқувчи, контролерлар, ишларни тақсимловчилар, юкчилар, ёрдамчи ишчилар, слесарь-йиғувчилар.

«Главташкентстрой» нинг «ВИСОТСТРОЙ» 11-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

электр пайвандловчилар, ғишт терувчилар, арматурачилар, дурадгорлар, сувоқчилар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

юкчилар ва юкларни туширувчилар, электромонтёрлар, ёрдамчи ишчилар, вальцовкачи-ишчилар, фаррошлар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5—6-хоналар.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ —Энгельс кўчаси, 48-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

КОСТЮМ—МОДАЛАР АРЗАНДАСИ

Баҳор ўз мавқеини эгаллайди. Инлининг бу даврида бизнинг гардеробимизда етакчилик ролини қатъий равишда костюм эгаллайди.

Бу тушунарли албатта. Бизнинг серюмуш асримизда бу деярли энг қулай кийим бўлиб, аёлларга ҳар қандай шароитда ҳам ўзини ишончли тутиш имконини беради.

ҚАНДАЙ КОСТЮМ ТИКТИРГАН АФЗАЛ? МОДА ИККИ УСЛУБДАГИ КОСТЮМЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ: КЛАССИК ИНГЛИЗЧА ВА ШАНЕЛЬ.

Анъанавий инглизча костюм одатда жакет, жилет юбка ва блузкадан иборат бўлади. Классик вариантда —елка қисмлари тўғри, тор юбка олдинги ўринни эгаллайди. Бироқ бугунги мода анъанавий формалардан узоқлашмоқда ва тор юбка бурмалар, плиссе, клеш ҳисобига тобора ҳаракатчан бўлиб бормоқда.

Бундай костюмни бироз кенгайтирилган ва кўтарилган елкаларни таъкидлаб кўрсатувчи кичик ёқали блузкалар ажойиб равишда тўлдиради. Блузканинг жимжималари, йиғма ва бурмаларини яхши ишлаш лозим. Бундай классик инглизча костюм кўпроқ нозик қоматли ва ёш аёлларга ярашади.

Шанель услубидаги костюмларга эса, шуни айтиш керакки, уларга тасма ёки уқа билан безатилган кенг жакетлар характерлидир. Юбкалар — тўғри ёки бироз клеш қилинган икки ёқлама бурмали ёки бантли, бир томонлама бурмали бўлиб, улар ҳам тасма ёки уқа билан безатилади. Бундай костюмлар учун блузкалар ялтироқ ипак газламадан, юмшоқ бантли қилиб тикилади. Шанель услубидаги костюмларнинг афзаллиги шундаки, улар ёши ва жуссасидан қатъий назар, ҳар қандай аёлга ярашади.

Узунлигига келганда эса тўла эркинлик берилади. Асосан қулай бўлса бас. Тор юбкалар одатда тиззани ёпиб туради, кенгроқлари эса икки-уч сантиметр пастроққа тушади.

КОСТЮМЛАР ВА БЛУЗКАЛАР ЎЧУН ГАЗЛАМАЛАРНИ «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН!

САВДОДА ҚУЙИДАГИЛАР МАВЖУД:

сидирға, йўл-йўл ва катакли ярим жун газламалар. Баҳоси — 12 сўм ва 20 сўм;

гулли ва сидирға тусли сунъий ипак. Баҳоси — 7 сўм ва 15 сўм.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».

БИЛЛУР ЖИЛОСИ

ШАКЛИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ, ИШЛАНИШДАГИ МУЪЖИЗАКОРЛИК, ҚАЙТАРИЛМАС НУР ЖИЛОЛАРИ — БИЛЛУР БУЮМЛАРНИНГ ЎЗИГА ЖАЛБ ЭТУВЧИ ХУСУСИЯТЛАРИДИР.

У ДАСТУРХОНЛАРНИ БЕЗАШ БИЛАН БИР НЕЧА АВЛОДГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. БИЛЛУР ИДИШЛАРДА ДАСТУРХОНГА ТОРТИЛГАН ТАОМЛАР ТОБОРА ЖОЗИБАЛИ ВА ИШТАҲА ОЧАДИГАН БЎЛАДИ.

Конфет, мева, печеньелар солиш учун вазалар, салат солинадиган ликопчалар, рюмкалар, қадаҳларни исталган хўжалик магазинлари, Бош универсал магазинида, Марказий универмагда, савдо марказларида сотиб олиш мумкин.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗХОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИДА ТОШКЕНТ «МИКОНД» ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН БИЛЛУР БУЮМЛАР ЕТАРЛИ МИҚДОРДА МАВЖУД.

«УЗХОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги базасидаги

104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун

8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАРНИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

асбоб-ускуналар электр монтажчиси, электр пайвандловчи, контроль-ўлчов приборлари ремонти бўйича слесарь, қозон ва турбина ускуналари ремонти бўйича слесарь, иссиқлик техникаси ускуналари ремонти бўйича слесарь, реле муҳофазаси ва автоматика бўйича электромонтёр, химиявий анализ лаборанти, химиявий сув тозалаш аппаратчиси, кабелчи-электромонтёр, автомобиллар ремонти бўйича слесарь, дурадгор

ЎҚИШ МУДДАТИ УЧ ЙИЛ.

Ўқувчилар уч-маҳал овқат, кийим-кечак ва ишлаб чиқариш практикаси даврида — иш ҳақининг 33 процентни миқдорида пул мукофоти билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатишда диплом берилади, унда ўқувчи эгаллаган касб ва ўрта маълумот олганлиги кўрсатилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Ўрта маълумотга эга ёшлар, шунингдек Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганлар қуйидаги ихтисослар бўйича

БИР ЙИЛЛИК

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

электромонтёр, электр узатиш линиялари электромонтёри, кабелчи-электромонтёр, реле муҳофазаси ва автоматика бўйича электромонтёр, қозон ва турбина ускуналари ремонти бўйича слесарь, химиявий анализ лаборанти, химиявий сув тозалаш аппаратчиси, қозонлар машинисти, турбиналар машинисти, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.

Ўрта маълумотли ўқувчиларга 30 сўм миқдорида стипендия берилади.

Билим юртида яхши жиҳозланган кабинетлар, устахоналар мавжуд, спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди, яхши жиҳозланган ётоқхона бор. Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчиларга автобус хизмат кўрсатади.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ЎҚИШГА КИРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАР ЗАРУР: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см, ҳажмда), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий ҳисобда туриши тўғрисидаги гувоҳнома ёки ҳарбий билет.

Бизнинг адрес: 702169, Тошкент области, Оржоникидзе райони, ТашГРЭС поселкаси (115, 152-автобусларнинг «ТашГРЭС поселкаси» бекати). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча равишда 6-12, 3-18, 6-26.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

Озиқ-овқат саноати министрлиги базасидаги

161-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Новвойлар тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчиларга ҳар ойда 30 сўм стипендия берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради. Ётоқхона берилади.

Ўқиш группалар тўлишига қараб бошланади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй (16, 9-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати, 21, 49-автобусларнинг «Ҳалқа йўл», «2-нон заводи» бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ПОЙАФЗАЛ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЭРКАКЛАРНИНГ ҚУЛАЙ ВА ЕНГИЛ ЁЗГИ ОЁҚ КИЙИМЛАРИ

«ТАШОБУВЬТОРГ»НИНГ 23-МАГАЗИНИДА

(Ш. Руставели кўчаси, 43-уй)

20—27 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН

САВДО-КЎРГАЗМАСИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ.

Савдо-кўргазмасида микропор пошнали сандалетлар ва полуботинкалар мавжуд.

Савдо-кўргазмаси сўнггида—27 апрелда харидорлар конференцияси ўтказилади.

«ТАШОБУВЬТОРГ».

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ТВ

20 АПРЕЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.20 «Инсон — ер хўжайини». 18.15 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Канада — СССР терма командалари. ГФРдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — (19.35) —«Дунё воқеалари». 20.30 «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телевизион фильм премьераси. 2-фильм. «Ота уйи». 21.30 «Время». 22.05 «Бу эркаларга хос дўстлик». Телевизион бадиий фильм премьераси. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 Новосибирск академик опера ва балет театри артистларининг концерти.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Совет тинчликни сақлаш комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати. 19.35 «Москва бўйлаб саёҳат. Москванинг соя-салқин хиёбонларида». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.55 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг V халқаро фестивали. «Созандалар келишди» (ГДР). 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Духовой оркестр янграйди. 21.30 «Время». 22.05 Ж. Луйк. «Юлдузли соат». Телевизион спектакль. 23.10 «Ҳамиша, ҳар ерда порла!». Фильм-концерт. СССР халқ артисти Д. Журавлёв В. Маяковский асарларини ўқийди.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг СССР Олий Совети депутати, тўқувчи Дилбар Қулматова билан учрашуви. 18.40 «Самарқанд суперфосфат заводи». Учинчи навбати (рус.). 19.10 Бир актёр театри. «Буюк қалб». Адабий композиция. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ истеъмоли молларига — юқори сифат». Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрининг ўринбосари Н. Нормуҳамедов сўзи. 20.00 «Болаларга аталган». Ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»). 20.15 «Уста». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Шоирлар боғи». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва. «Время». 22.05 Теннис бўйича халқаро ўсмирлар турнири. Репортаж (ёзиб олинган). 22.35 «Резидент тақдири». Бадиий фильм. 2-серия. 23.45 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

21 АПРЕЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Горнчилар, қаердасиз!». 10.10 Ю. Чичков, К. Ибрляев. «Ленин ҳақиқати» кантатаси. 10.25 «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телевизион фильм. 2-фильм. «Ота уйи». 11.25 «Халқ ижоди». Телевизион кўрсатув. 12.10 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.15 «Комсомол — менинг тақдирим». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 16.15 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари». В. И. Ленин севган музика асарлар. 17.00 «Шаҳмат мактаби». Бошловчилар синфи. 17.30 «Расмларда қуёш акси бор».

17.45 «Миллионлар ленинча университети». «Икки дунё — икки сиёсат». 18.15 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — ГФР терма командалари. ГФРдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.35) — «Дунё воқеалари». 20.30 «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телевизион фильм премьераси 3-фильм. «Оғир пайтлар». 21.30 «Время». 22.05 Москва. Консерваториянинг Катта зали. СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати С. Рихтер ва А. Бородин номли Давлат квартетининг концерти. 24.00 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Ўзбекистон ССР тарихи. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши (рус.). 12.00 Болалар учун концерт (такрорий). 12.30 Ўзбекистон ССР тарихи. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши. 13.00 «Резидент тақдири». Бадиий фильм. 2-серия.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Бахтли болалик». Фильм-концерт. 18.15 «Қардошлик қонунига биноан». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 19.30 «Ахборот» (рус.). 20.00 «Дунё воқеалари». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ильич севган асарлар». Концертда Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри иштирок этади. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти залидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Сув ва ҳосил». 22.25 «Оқсўнгил кишилар». Бадиий фильм.

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги нефть ва газ конларининг геологияси ҳамда разведка қилиш институти коллективи сектор мудири С. З. Маҳмудовга рафиқаси

Маҳмудахон МАҲМУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГПС. Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-55-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери —32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчи лари — 33-90-50.

20 АПРЕЛЬ, 1983 й. Р—10210. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690.